

УЗА

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ЎРГАНИЛГАНДА

ҳақиқий аҳвол яққол намоён бўлади

Бугун халқ билан мулоқот қилиш, ҳар бир масалага очик-ойдин, таҳлилий ёндашиш ҳар бир соҳа вакили, айниқса, депутатлар учун энг асосий мезон қилиб белгиланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг ҳар ойда 10 кун давомида ўзлари сайланган вилоятнинг бирор туманида бўлиши, ҳақиқий аҳволни куйига тушиб ўрганиши, фуқароларнинг муносабатларига қулоқ тутиши, муаммоларни таҳлил қилиши кўп масалаларга ойдинлик киритмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат НОҲОЕВ июнь ойида депутат ва сенаторлар билан биргаликда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида бўлиб, ҳудуддаги ҳақиқий аҳволни ўрганди.

— Айтингни, одамлар депутатларнинг ҳудудларга чиқишини қандай қабул қилаёпти? Қандай масалалар кўтарилапти?

— Ҳақиқатан ҳам, бугун фуқароларимизда ўзининг ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланишини талаб қилиш, жамият ҳаётига эътиборли бўлиш каби фазилатлар мустаҳкамланиб бораёпти. Одамлар ўзи сайлаган депутат келишини кутаяпти, унинг олдида жиддий вазифаларни қўя олаяпти. Буни депутатлар ва сенаторларнинг Шеробод туманидаги аҳоли, шу жумладан, ёшлар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари билан бўлган учрашувлар жараёнида ҳам кузатдик. Ўн кун давомида 750 дан ортиқ хонадонда бўлидик, 4 мингдан зиёд фуқаролар билан суҳбатлашдик. Уларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликлар, орозу-интилишлари, режалари ҳусусида фикр алмашдик.

Ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, муносабатларнинг асосий қисми уй-жой-коммунал, аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, транспорт ва йўл қурилиши, таълим, экология ва атроф-муҳит, банк-кредит, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, савдо ва маъшият хизмат, тадбиркорлик, маданият ва спорт соҳаларига тўғри келади. Мазкур масалалар юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 50 га яқин муаммо жойида ҳал этилди.

Шунингдек, туман даражасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар юзасидан тегишли маҳаллий давлат органлари ва бошқа ташкилотларга аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди. Уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Ҳудудларда аҳолини ўйлантиратган 61 вилоят, 6 республика даражасида ҳал қилиниши талаб этиладиган масала депутатлар билан мулоқот қилиш, ҳар бир масалага очик-ойдин, таҳлилий ёндашиш ҳар бир соҳа вакили, айниқса, депутатлар учун энг асосий мезон қилиб белгиланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг ҳар ойда 10 кун давомида ўзлари сайланган вилоятнинг бирор туманида бўлиши, ҳақиқий аҳволни куйига тушиб ўрганиши, фуқароларнинг муносабатларига қулоқ тутиши, муаммоларни таҳлил қилиши кўп масалаларга ойдинлик киритмоқда.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят ҳамда Жиззах шаҳар кенгашлари бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этди.

Меҳнат ярмаркаси

Ярмаркада 55 корхона-ташкilot ва муассаса томонидан 258 бўш иш ўрни тақлиф этилди. Иштирокчилар иш берувчи субъектлар учун зарур бўлган мутахассислар, ишчи-ҳодимларга яратилган қулайликлар ҳақидаги маълумотлар билан танишди.

Ярмаркада 30 га яқин ёшларга ишга жойлаштириш учун тўғридан-тўғри йўлланма берилди. Шу кунги вилоят ва шаҳар кенгаши ҳодимлари, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, тижорат банклари вакиллари ҳамроҳлигида Жиззахлик маҳалласида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган оилаларда бўлиб, уларнинг иши билан яқиндан танишишди.

Дилшод НОРМАТОВ,
Жиззах вилоят партия
кенгаши бўлим мудири.

Бир нарсаси алоҳида урғу бермоқчи эдим. Депутатларнинг жойларга чиқиши муаммоларни аниқ ўрганиш, илдизига етиш ва шу аснода миллий қонунчиликдаги камчиликларни тўзатиш имконини ҳам бермоқда. Қолаверса, бундай ўзига хос механизм туфайли депутатларнинг жойлардаги маҳаллий ижро ҳокимиятига таъсир кучи ҳам ошди.

— Шеробод туманида аҳоли бандлиги, таълим тизими сифати билан боғлиқ масалаларда қандай муаммолар аниқланди? Уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Очигини тан олиш керак, бугунги кунда чекка ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш ўқир муаммолардан бири ҳисобланади. Бандлик дастурларига асосан туманда жорий йилда 3650 га яқин янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Январ-апрель ойларига мўлжалланган режа бажаририлган. Бироқ яратилган иш ўринларининг ҳаммаси ҳам ҳақиқийми? Ишга жойлашган одам қанча вақт давомида ишляпти? Бу саволлар олдимизда кўндаланг турибди.

Туманда бўш иш ўринлари бўйича 160 корхона ва ташкилот ҳисобот топшириши белгиланган. Лекин 1 май ҳолатига кўра, 79 та корхона ва ташкилот бўш иш жойи тўғрисидаги маълумот берган бўлиб, уларда 370 та бўш иш ўрни мавжудлиги кўрсатилган. Бироқ уларнинг кўчидидаги ойлик маошлари кам бўлгани боис ҳеч қим бормайди ёки йўналишлар бўйича мутахассислар етишмайди.

Шеробод туманида 69 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та мактабгача таълим муассасаси, Барқамол авлод болалар маркази ҳамда ихтисослаштирилган мактаб интернати фаолият юритиб

келмоқда. Тумандаги мактабларда 1-9 синфларда 26 минг нафардан ортиқ ўқувчи таълим олади. Мактабгача таълим муассасасида 90 та гуруҳ мавжуд бўлиб, 1800 нафарга яқин бола қамраб олинган.

Шеробод туманининг Таровли, Чағатой, Бойбулоқ, Қишлоқбозор, Мехробод, Зарабоғ, Истиқлол, Майдон, Пошхурт ва Нуртепа маҳаллаларида мактабгача таълим муассасалари йўқ. Бугун ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бу биз учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлгани боис ушбу ҳудудларда янгидан мактабгача таълим муассасалари

Депутатларнинг жойларга чиқиши

муаммоларни аниқ ўрганиш, илдизига

етиш ва шу аснода миллий қонунчиликдаги

камчиликларни тўзатиш имконини ҳам

бермоқда. Қолаверса, бундай ўзига хос

механизм туфайли депутатларнинг

жойлардаги маҳаллий ижро ҳокимиятига

таъсир кучи ҳам ошди.

қурилишини давлат инвестиция дастурига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Агар ана аниқ факт ва рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Шеробод туманида капитал таъмирлаш режасига атиги 4 та мактабгача таълим муассасаси биноси киритилган. 12 та мактабгача таълим муассасаси эса давлат дастурига киритилмай қолган. Тумандаги 69 та ўрта таълим мактабларининг 54 таси замонавий биноларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолган 15 та мактаб мослаштирилган бинода жойлашган. Ушбу мактаблар бинолари капитал реконструкция қилинишга муҳтож.

Туманда 16 та мактаб филиали мавжуд бўлиб, улар 19 та бинода жойлашган. Ушбу филиалларнинг бинолари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида 70 нафарга яқин ўқитувчи етишмайди. Жумладан, рус тили ва адабиёти, тарих, физика, кимё, биология ва инглиз тили фанлари бўйича мутахассисларга эҳтиёж мавжуд. Мазкур

йўналишдаги масалаларни ҳал қилиш учун олий ўқув юртларига мақсадли қабул тизимидан самарали фойдаланиш зарур.

Шеробод туманидаги мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида балонли газдан ёки махсус электр печлардан фойдаланиш, бунинг учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратиш масаласини ҳал қилиш зарур.

Айрим мактабларда ичимлик суви ташиб келтирилади. Тиббиёт хонаси мавжуд эмас, ҳамшира ажратилмаган. Мактабларда ўқув устахоналари зарур ускуналар билан таъминланмаган. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг

Депутатларнинг жойларга чиқиши

муаммоларни аниқ ўрганиш, илдизига

етиш ва шу аснода миллий қонунчиликдаги

камчиликларни тўзатиш имконини ҳам

бермоқда. Қолаверса, бундай ўзига хос

механизм туфайли депутатларнинг

жойлардаги маҳаллий ижро ҳокимиятига

таъсир кучи ҳам ошди.

сифатли таълим олишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

— Туманда уй-жой, коммунал хизмат кўрсатилиши ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида қандай муаммолар борлиги аниқланди?

— Туман газ таъминоти корхонаси истеъмолчилар билан ўрнатилган тартибда ҳар ой якунида ишлатилган газ, туманга қарздорлик учун пеня ҳисоби бўйича таққослама далолатномалар тузилмаганлиги сабабли вужудга келган нореал қарздорликдан аҳоли норози. Жумладан, аҳоли билан тузилган шартнома нусхалари газ корхонасида тўлиқ мавжуд эмас, назоратчилар томонидан аҳолига тарқатилган огоҳлантириш хатларидаги қарздорлик миқдори ҳақидаги маълумотлар ҳақиқий ҳолатга тўлиқ мос келмайди.

Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда қўшимча 7691 донга суюлтирилган газ баллонларига, газ баллонлари ташувчи иккита ISUZU автомашинасига ва газ

тўлдирувчи станцияга эҳтиёж мавжуд. Чунки ҳозирги вақтда Бойсун, Музробоҳ ва Термиз туманларидан газ баллонларининг тўлдириб келиниши натижасида таъминотдаги узиллишлар аҳоли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шеробод туманида 48 та кўп қаватли уй-жой бўлиб, уларга 3 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Дўстлик ширкати ҳудуддаги кўп қаватли уй-жойлар ўрганилганда, уларнинг атрофидаги ноқонуний қурилган иншоотлар бузилаётгани ва уйларнинг томларини ёпишга тайёрлаш ҳамда профнастил ёпиш ишлари олиб борилаётгани, жумладан, 4 та уйнинг томини ёпиш тугалланганига гувоҳ бўлидик.

Шунинг билан бирга, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун зарур қурилмаларни истеъмол кредити асосида харид қилишга амалий ёрдам сўралди.

«Сувоқова» давлат унитар корхонаси Шеробод туман филиали аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда асосан ҳудуддан ташқаридаги манбалар ҳисобидан фойдаланади. Хусусан, Хўжайпоқ манбаидан қувурлар орқали 33 фоиз аҳоли, ерости артезан сувларидан 12 фоиз, булоқ ва қоризлардан 32 фоиз ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш канал ҳамда ариқлардан 23 фоиз аҳоли фойдаланади. Шу билан бирга, хонадонларга ичимлик суви қувурлар билан тармоқлашмаган ҳудудларда сув махсус транспортлар орқали тарқатилади.

Аҳоли томонидан тумандаги кўп йиллардан буён хизмат кўрсатиб келаётган ва ҳозирги кунда яроқсиз ҳолатга келиб қолган сув қувурларини янгиларига алмаштириш масаласини давлат инвестиция дастурига киритиш тақлифи билдирилди. Хозирда мазкур тақлифлар ўрганилиб, ҳал қилиш учун тегишли ташкилотларга юборилмоқда.

Умуман олганда, ўтган ой давомида Шеробод туманида ўрганилган камчилик ва муаммолар мамлакатимизнинг аксарият бошқа ҳудудлари учун ҳам ҳосилдир. Шу боис уларни тизимли ҳал этиш — долзарб масала.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурли ОРИПОВ
суҳбатлашди.

Ўзбекистон ХДП
ҳаётиданСоғлом
жамият асоси

Беруний туман кенгаши томонидан ташкил этилган шу номли акция доирасида «Бунёдкор» маҳалласида бадий гимнастика бўйича мусобақа ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати гимнастикачи қизларнинг чиқишларини баҳолаб боришди. Қизиқарли кечган мусобақа якунида биринчи ўринни Мадина Зарипова, иккинчи ўринни Шахна Ибрагимова ва учинчи ўринни Шахзода Гаппарова эгаллади. Ҳакамлар туман партия кенгашининг дипломи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Болалар ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкил қилинмиш, — дейди халқ депутати Беруний туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Кенжабек Атажанов. — Мақсадимиз соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спортни оммавийлаштиришдан иборат.

Акция доирасидаги мусобақалар Кўнғирот туманидаги касб-ҳунар коллежи ўқувчилари орасида ҳам ташкил этилди. Стол тенниси, шохмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика спорт турлари бўйича баҳслар қизиқарли курашлар остида ўтди. Кўнғирот нефть ва газ саноати коллежи жамоаси биринчи ўринга эга бўлди. Ҳакамларга ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар топширилди.

Мазкур акция доирасидаги тарғибот ишлари барча туман ва шаҳар кенгашларида давом этмоқда.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий-
сиёсий фаол
аёллар

Термиз шаҳридаги вилоят Касаба уюшмалари мажлислар залида «Партия тизимидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари» мавзусида ҳудудий ўқув-семинар ўтказилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти экани қайд этилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирокини таъминлаш масалаларига қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш зарур. Бунинг учун мазкур йўналишдаги лойиҳалар ва акциялар қўламини кенгайтириш, опа-сингилларимиз билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг қувончу ташвишларидан бохабар бўлиш талаб этилади, дейишди сўзга чиққанлар.

Айтиш керакки, бу борада партия Марказий Кенгаши муайян вазифаларни белгилаб берди. Тегишли режага асосан минтақавий кенгашлардаги Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудирилар ҳамда туман, шаҳар кенгашларидаги «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий билимини ошириш, депутат аёллар билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида ҳудудий ўқув-семинарлар ўтказилаётгани қайд этилди.

Семинарда тадбирларни режалаштириш, дастур ва концепцияни сифатли тайёрлаш усуллари бўйича иштирокчиларга тушунчалар берилди. Қатнашчиларнинг иш самардорлиги ўрганилди, ҳисоботларни тайёрлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, уларни тўғри таҳлил қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши сектор мудири.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИ
ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Президентимизнинг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишда партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил қилди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ногиронлар ва Қўзи оқизлар жамиятлари, Касаба уюшмалари федерацияси вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари У.Вафоев ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, 30 июнь Ёшлар куни, деб эълон қилингани ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг, уларни қўлаб-қувватлашининг, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишнинг амалдаги ифодаси эканини таъкидлади.

Президентимиз ёшлар қурултойида Ўзбекистон ёшлар



Сенатор ШОТЎЛЛАҲОВ олган сурат.

иттифоқи олдида қўйган долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб бергани сиёсий партиялар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклатмоқда. Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад — Президентимизнинг мазкур тарихий маърузаси мазмун-моҳиятини партия фаоллари, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, партия электорати бўлган жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг жамиятнинг фаол ёшлари сафига қўшилишда қўмаклашиш, уюшмаган ёшларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.

Тадбирда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар

сари сафарбар этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилотларидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти масаласига кенгроқ ёндашиш кераклиги таъкидланди. Бу борада жойларда олиб борилаётган ишларни аниқ мақсадга йўналтириш, ўтказилаётган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиш ва уларни ҳал қилишга амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги айтиб ўтилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата билдирган ишонч ва қатъий бағишловчи фикрлари биз, ёшларни руҳлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоли Хонзода

Холматова. — Президентимиз ёшларга кенг имкониятлар бериш билан бирга, ҳар бир ёш авлод мана шу эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиб, эл-юрт олдидаги бурчини бажариши лозимлигини таъкидлади. Бу ишончни оқлаш, мамлакатимиздаги ислохотларда фаол иштирок этиш доимий бурчимиздир.

Тадбирда партия тизимида ёшлар масаласида олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири.

Бугун фуқароларимизда ўзининг ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланишини талаб қилиш, жамият ҳаётига эътиборли бўлиш каби фазилатлар мустаҳкамланиб бораёпти.

Муносабат

Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида қилган нутқини тўғриси, телевизорда катта ҳаяжон ва диққат билан тингладим. «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонини газетадан қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кўнглимдаги кўп саволларга жавоб топдим. Яшириб нима қиламиз, ҳақиқатан ҳам бу соҳада йиғилиб қолган муаммолар оз эмас. Баъзан очиқ айтишга журъат қилолмасдик, баъзан бу камчиликларни ўзимиз яширамиз. Ваҳоланки, ёшлар тарбияси, тақдири билан боғлиқ масалада ёлгон гапириш оғир оқибатларга олиб келишини биламиз.



Ёшлар тақдирига ҳаммамиз масъулмиз

Президентимизнинг бугун ёшларга қўрсатаётган эътибори, ғамхўрлиги, йиғилишда билдирган фикрларидан ўзимизга тўғри хулоса чиқариб олоғимиз керак. Мен бир нарсани агладим: ёшларимизга муносабатимизни мутлақо ўзгарттиришимиз, таълим-тарбия ишларини бугунги кун талаби даражасида йўлга қўйишимиз керак.

Болани меҳнатга ўргатиш, унда билим олишга ҳавас уйғотиш, доимо назоратда тутиш, аввало, ота-она ва педагогнинг вазифаси ҳисобланади. Боланинг тарбияси ҳам асосан оила ва мактаб таъсирида шаклланади.

Афсуски, айрим ота-оналар ўз фарзанди тарбиясига мактаб масъул, деб ўйлайди. Айрим ўқитувчилар эса менинг вазифам дарс бериш, тарбияга ота-она жавобгар, деб ҳисоблайди. Бироқ шу ўринда учинчи томоннинг иштироки керак бўлади. Яъни, бола мактабдан уйига қайтади, ота-она эса ишда. Ота-она фарзанди дарсдан кейин нима билан шуғулланаётгани, қаерга боргани, қимлар билан мулоқотда бўлганини ҳар доим ҳам билавермайди. Энди бу масалада маҳалланинг иштироки керак бўлади. Тарғибот-ташвиқот ишлари керак, лекин болаларнинг бўш вақтини банд этиш механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллаларда спорт ва санъат, касб-хунар тўғрақларини кўпайтириш муаммога ечим топади.

Шу ўринда бизнинг Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей фаолиятдан мисол келтирсам фикрим асосли бўлади. Ўқув масканимизда юз нафарга яқин педагог-мураббий 1330 нафар ўқувчига таълим-тарбия бermoқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқ билимга эга бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мавжуд АРМда ўқувчилар электрон дарслик ва турли дарс ишланмаларидан фойдаланишди, компьютерлар «ZiyoNET» интернет тармоғига уланган. Ўқув ва ўқув-лаборатория хоналарининг барчаси талаб даражасида жиҳозланган.

Ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, 35 та турли фан ва спорт тўғрақлари ташкил этилган. Шунингдек, замонавий тилдаги ёпиқ спорт зали ва ёзги футбол, волейбол, теннис майдончалари ҳам улар ҳизматида. Бир сўз билан айтганда, лицейимиз ўқувчилари дарсдан сўнг бекорчи бўлиб қолганига йўл бермапмиз.

Ўқувчиларимиз орасидан фан олимпиадалари совриндорлари, спорт бўйича жаҳон, Осиё чемпионлари борлигидан фахрланамиз.

Бугун ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талабчанлик билан ёндашишимиз керак. Ана шунда биз эзгу мақсадларимизга етишишда таянчимиз ва суянчимиз бўла оладиган авлодни тарбиялаймиз.

Одилжон ИНОЯТОВ,
Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори.

РОССИЯДА ҚОНУНИЙ ИШЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга давлат ташрифи доирасида «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий жалб этиш ва ишга қабул қилиш тўғрисида» Битим имзоланди.

Мухбиримизнинг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ахборот хизматининг раҳбари Карим Бахриев билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.

— Аввало, мазкур Битимнинг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Сир эмас, Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат қилаётган юрдошларимизнинг фаолиятини қонуний йўлга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада замонавий усулларни топиш ва ишга солиш энг долзарб масалалардан бири эди. Икки давлат раҳбари томонидан имзоланган Битим асосида ушбу муаммо ижобий ҳал этилади.

— Ушбу Битим қайси идора ва муассасалар томонидан амалга оширилади?

— Ўзбекистон тарафидан Республика Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар, Ички ишлар вазирликлари, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Россия Федерацияси тарафидан эса Россиянинг Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, Таълим ва фан, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Меҳнат ва бандлик бўйича Федерал хизмати Битим талабларини бажариш бўйича масъул қилиб белгиланган.

— Ўзбекистон Републикаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги бевосита қандай вазифаларни бажаради?

— Агентлигимиз, энг аввало, республикамиз фуқароларини Россия Федерациясида ишлаш учун жалб этиш, ишга қабул қилиш ва жойлаштириш тартиблари ҳақида хабардор қилади. Тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган юрдошларимиз ўртасида танлов бўйича, амалга оширади, Россия Федерацияси қонун ҳужжатлари талаблари асосида борувчиларни имтиҳондан ўтказадиган ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Шунингдек, танловдан ўтганларни Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлиги томонидан белгиланган имтиҳонларни топириш учун тавсия этилган ўқув-услубий материаллар асосида ўқитади, уларнинг тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этади, иш берувчилар билан талаб этилаётган малака ва тажрибага эга

бўлган номзодларни ишга жойлаштиришнинг шартларини, меҳнат шартномаларининг лойиҳаларини келишади. Бир сўз билан айтганда, вақтинчалик ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг иш жойига етиб боришига бўлган жараёнларни амалга оширишга қўмаклашади.

— Иш берувчилар қандай танланади?

— Албатта, иш берувчини тўғри танлашнинг аҳамияти жуда катта. Иш берувчи бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар, шу жумладан, иш ҳақи, иш режими, таълим, касбий билимлар, кўникмалар, иш стажига бўлган малака талаблари, иш берувчи томонидан тақдим этиладиган қўшимча ижтимоий кафолатлар тўғрисида ахборотни тахлийий тизимга Россия Федерацияси

белгиланган энг кам иш ҳақидан паст бўлмаслиги кафолатланиши лозим.

— Ўз билганича хорижга бориб, меҳнат қилаётган фуқаролар қандай муаммоларга ва хатарларга дуч келадилар?

— Бирор танишнинг даъвати билан ёхуд интернетдаги эълонларга ишониб, хорижга ишга боришни мўлжаллаган фуқаро, энг аввало, бунинг ноконуний эканлигини билиши зарур. Чунки қонунчилигимиз асосида ҳукуватимиз ўрнатган тартибга кўра, Ўзбекистон фуқаролари фақат Ташқи миграция масалалари агентлиги орқалигина хорижда ишлаш учун боришлари мумкин. Ноконуний ишлаётган меҳнат муҳожир даставвал ҳуқуқий мақомга эга эмаслигидан мунтазам жабр чекади: уни полиция қўлига тушиш, жазоланиш ва депортация қилиниш хавфи таъқиб этади. У бундай ҳолатда осонгина одам савдоси қурбонига айланиши, қул қилиб ишлатилиши, турли экстремистик ва террористик гуруҳларнинг тўзоғига тушиши мумкин. Қонуний шартнома асосида ишламаган одам қуруқ оғзаки келишув билан қифоялангани учун машинани тўлиқ ва ўз вақтида ололмаслиги, тан жароҳати олган ёки касалланган пайтида ижтимоий ҳимоясиз қолиши ва бошқа қўлаб қўнгилсиз ҳолатларга дучор бўлиши эҳтимоли катта.

— Қонуний тарзда ишга жойлаштириш учун нима қилиши керак?

— Фуқаро ишга жўнатувчи ташкилот орқали иш берувчи билан шартнома тузади. Россия Федерацияси қонунлари асосида тузилган ушбу шартномада иш шароити, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи, дам олиш ҳуқуқи ва бошқа қонуний ҳуқуқлари кафолатланади. Шу билан бирга, хорижда қонуний йўл билан ишлаётган Ўзбекистон фуқароси меҳнат дафтарчаси ва иш стажига эга бўлиш ҳамда қариганд пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эгадир.

— Қонуний тарзда хорижда ишлайдиган шахс ижтимоий ҳимоянинг қайси турларидан фойдаланади?

— Меҳнат мигрантлари Россия Федерациясининг қонунлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ ижтимоий сугуртадан (мажбурий тиббий сугуртадан ташқари) фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллигига чалиниш натижасида меҳнат мигранти вафот этган ёки соғлиги ёмонлашган тақдирда тегишли толов пули Россия Федерацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. Бундай пайтларда иш берувчи жабрланувчини юртига қайтариш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплайди.

— Ноконуний меҳнат миграцияси сабабларидан бири ташкилий, расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги билан боғлиқ, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Бу масалада қулайлик яратиш бўйича агентлик қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Агентлик мутахассислари томонидан Ташқи миграция тўғрисида, рекрутинг фаолияти тўғрисида янги қонунлар лойиҳалари тайёрланмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятларида агентлиkning филиалларини, шунингдек, Россиянинг саккизта шаҳрида, Қозоғистон, Жанубий Корея, Польша, Японияда ҳам ваколатхоналар очиш режалаштирилган.

Хорижда ишлаш учун бораётган ҳар бир фуқаро ўша давлатнинг тилини, урф-одатларини, қонунчилигини билиши муҳим. Шунинг учун агентлиkning мослаштириш ва ўқитиш маркази ташкил этилган. Агар фуқаро хориждаги иш берувчи талаб этиётган касбни ўрганмоқчи бўлса, Тошкент ва Самарқанддаги касбга ўргатиш марказларида муурожаат қилиши мумкин. Шундай марказларни яқин йилларда барча вилоятларда очиш режалаштирилган.

— Маълумки, Россияда ишлаш учун патент олиш керак. Бу масалада Агентлик қандай ёрдам беради?

— Қонунчиликка кўра, бундай патент Россияда берилади. Ўз ҳолича у ерга борган инсон аввал турар жой топади, кейин патент олиш учун имтиҳонга тайёрланади, тиббий кўрикдан ўтади, ҳужжатлар йиғади, рус тили ва тарихдан комплекс имтиҳон топириб, патент олади. Шундан сўнггина иш жойи излайди. Буларнинг бари ҳафталаб, баъзан ойлаб вақт талаб қилади. Патентнинг нархи ҳам анча қиммат туради.

Битимда мана шу ўзига хос мураккаб жараёнларни соддалаштириш масалалари кўзда тутилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Россия билан ҳамкорликдаги марказлар очилмоқда. Улар ишга тушса, бўлғуси меҳнат мигрантлари юртимизда туриб имтиҳон топириши, сугурта полисларини расмийлаштириши, ҳозирда олиб борилаётган музокаралар ижобий яқун топса, тиббий кўрикдан ҳам ўтиши мумкин. Бундай пайтда талабгорнинг вақти ва маблағи тежаллади. Патент учун ҳужжат тўплаш харажатлари ҳам бир неча баробарга арзон тушади. Қолаверса, фуқаро иш излаб овора бўлмади, иш берувчига ва шартномага, аниқ турар жойга эга бўлган, патент учун ҳужжатларни топириган ҳолда Россияга жўнайди ва бориши биланок патент олиб, ишга киришади.

Умуман олганда, Битим Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги меҳнат миграцияси жараёнларини тўлиқ қонунийлаштириш имкониятини яратади, иккала мамлакат фуқароларининг манфаатларини таъминлайди, меҳнат ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этади, шунингдек, одам савдосини келтириб чиқариши мумкин бўлган ноконуний миграциянинг олдини олишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатлашди.



БМТ

дунё давлатларини қишлоқ хўжалик соҳасини қўллаб-қувватлашга қақирди

БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Бутундунё метеорология ташкилоти фермер хўжаликларини қурқоқчилик мавсумига тайёрлашга ёрдам беришга қаратилган англо-афган меморандумини имзолади.

Мазкур ҳужжатда, қурқоқчиликнинг олдини олиш бўйича миллий муассасаларга тавсиялар ва илмий маълумотлар бериш кўзда тутилган.

— Қурқоқчилик дуч келган кичик фермерларда жон сақлаш ва келгусида яна тараққий этиш учун имконият бўлиши зарур. Биз жаҳон ҳам-жамиятини нафакат жорий муаммолар ҳақида ўйлаш, балки келажакни ҳам кўра билишга чақирамиз. Кичик хўжаликларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим, — деди Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди президенти Жильбер Унго.

Утган асрнинг 70-йилларидан бери қурқоқчиликдан жабрланган ерлар майдони икки баробар кўпайди. Табиий офат ҳар йили 8 миллиард долларгача зарар келтиради.

ЯРИМ ЙИЛДАН БЕРИ

ҳукуматсиз яшамокда

Шимолий Ирландия олти ойдан буюн ҳукуматсиз турибди. Минтақанинг асосий партиялари бирлашган ҳукумат яратиш бўйича келишувга эришса олмапти ва музокаралар жараёни кузгача қўзғилиши мумкин.

Демократик юниончилар партияси вакилининг сўзларига кўра, сиёсий куч «Шинн Фейн»даги миллатчилар билан келиша олмапти.

Ўз навбатида, «Шинн Фейн» юниончиларни ирланд миллатчиларининг талабларини қабул қилишдан бош тортишда, хусусан, ирланд тилининг расмий мақомини тан олишга тўсқинлик қилаётганликда айбламोकда.

Шимолий Ирландия масалалари бўйича Британия вазيري Джеймс Брокеншир Бирлашган Қироллик ҳукумати партиялар ўртасидаги музокаралар муваффақиятли яқунла-ниши йўлида ҳаракат қилишини айтиб ўтди.

ЗАРАРЛАНГАН КОМПЬЮТЕРЛАРНИ

очиб бериш учун 250 минг доллар талаб қилмоқда

5 июль куни Petya.A вируси яратувчилари биткойн-ҳамёндидан барча пулларни ечиб олди. Бунга қадар вирус муаллифлари ўзларининг борлигини билдирмай келаётган эди.

Пулларни олиб бўлган, улар PasteBin сайтида эълон қолдирди. Унга кўра, 250 минг доллар эвазига барча зарарланган компьютерларни очиш паролларини тақдим этишини билдирди.

Ушбу вирус 27 июндан эътиборан бутун дунё бўйлаб компьютерларни зарарлай бошлаганди. Дастлаб бу ҳолат Украина компанияларининг компьютерларида қайд қилинди. Секин-аста вирус Европанинг қўлаб давлатларида ҳам ўзини намоян қила бошлади.

Вирус эгалари ҳар бир зарарланган компьютер эгасидан 300 доллар ўтказишни, почта орқали буни тасдиқлашни талаб қилар эди. Бироз муддатдан сўнг бу почта банзили ишламай қоларди. Компьютер хавфсизлиги соҳаси экспертлари аслда вирус яратувчиларининг асосий мақсади пул ишлаш эмас, максимал зарар етказиш бўлганини таъкидлаб келаяётган эди. Аммо ҳозирга келиб, вирус муаллифлари катта микдорда пул талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, айрим мутахассислар ҳеч қандай парол барча компьютерлардаги маълумотларни тиклаш имконини бермаслигини айтмоқда.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА СОҲАГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти энгил саноатни ривожлантириш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

Бугунги кунда жамият таркибида 450 дан ортиқ тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг 30 фоизидан кўпрогини хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этади.

— Юкори қўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларни экспортини кўпайтириш долзарб аҳамиятга эга, — деди «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Шохрух Раҳимов. — Президентимизнинг 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чоратadbirlари дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги ислохотларда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу

дастурга мувофиқ, 132 инвестицион лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Унинг умумий қиймати 2,2 миллиард долларни ташкил этади. Мазкур лойиҳалар асосида Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда 9 та тўқимачилик корхонаси ишга туширилади.

Энгил саноат соҳасини ривожлантиришда юкори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда инновацион техникаларни кенг жорий этиш, тармоқ учун ёш мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, замонавий

илмий ва институционал базаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда Жанубий Корея билан ҳамкорликда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти қошида замонавий ўқув-тадқиқот тўқимачилик технологиялари яратиш лойиҳаси амалга оширилмоқда ва у 2018 йил сентябрь ойида яқунлашти режалаштирилган.

Умуман тизимда янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали 27 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон фуқаролари фақат Ташқи миграция масалалари агентлиги орқалигина хорижда ишлаш учун боришлари мумкин.

ХАЛҚҚА МУНОСИБ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

учун тиббиёт ходимларининг шахсий жавобгарлиги ва масъулияти жиддий оширилиши керак



Бугун одамларни рози қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, муаммоларига ечим топиш, у қайси соҳа бўлмасин, бош вазифа ҳисобланади. Айниқса, тиббиёт тизимидаги ишлар сифатини тубдан оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Президентимиз тиббиёт ходимлари билан бўлган қатор учрашулар, вилоятларга ташрифлари давомида соғлиқни сақлаш тизимини замон ва халқимиз талабига мос равишда такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйди. Қатор фармон ва қарорлар эълон қилинди.

Бугун жойларда ана шу топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу борада хусусан, Академик Восит Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз НАЗИРОВ билан суҳбатладик.

— Одамларнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасидан норози бўлиши жамиятда ўткир масалаларни келтириб чиқариши мумкин, — дейди у. — Шу боис Президентимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Феруз Фахрулович, аввало ушбу марказ фаолияти, вазифалари ҳақида тўхталсангиз.

— Марказ мамлакатимиздаги кўптармоқли илмий ва даволаш муассасаларидан бири бўлиб, 1975 йилда ташкил этилган. Унинг асосчиси ва биринчи раҳбари академик Восит Воҳидов ҳисобланади. Ушбу муассаса 370 ўринга мўлжалланган бўлиб, 180 ўринда юрак ва томир касалликлари, 190 ўринда торакал-абдоминал йўналишдаги беморлар даволанади.

Марказда жигарда ёмон сифатли саратон ўсмаларини катта ҳажмдаги резекцияси, панкреатодуоденал резекция, ўт йўлларида юзага келган ўсма ва захарланишдан шикастланиш ҳолатларида қайта тикланиш амалиётлари сингари ноёб операциялар ўтказилади. Жигар циррози ва портал гипертензияси асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ўзига хос услублар яратилди. Қизилўнғач ва ошқозон касалликларининг ривожланган ва энди авж олаётган ҳолатларида қайта тиклаш операциялари амалиётга татбиқ этилди.

Тўғма юрак хасталиги билан туғилган беморларда радикал амалиётларнинг барча турлари, жумладан, тетрада фалло фонтена операцияси, аорта томирлари реимплантацияси — Бентал де Бонно операцияси жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқилган.

Ортирилган юрак хасталикларида чалинган беморларга мураккаб операцияларни қилиш, жумладан, кўп клапанли протезлаш, пластик, клапанни қайта тиклаш операциялари амалда қўлланиб келинмоқда.

Рентгеноэндоскопия ва юрак уришининг бузилиши бўлимида тўғма юрак иллатлари билан туғилган беморларда рентгеноэндоскопия амалиёти, баллонли митрал вальвулопластика, қон томирларининг мураккаб шикастланиш ҳолатларида транскатетер эндопротезлаш амалиёти ишлаб чиқилди ва беморларда кенг қўлланилмоқда. Юрак томирларини стентлаш кундалик амалиётга айланиб қолди. Юрак томир хирургияси бўлимида бир вақтнинг ўзига томирларда ва юрак клапанларида ўтказиладиган операциялар амалиётга жорий қилинди.

Ушбу марказ минтақада мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга оширувчи етакчи тиббиёт муассасаси саналанади.

— Бугунги кунда ихтисослаштирилган марказлар олдинга юқори талаблар қўйилмоқда. Хусусан, марказларнинг вилоятлардаги филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда...

— Ҳақиқатан ҳам, ихтисослашган марказларнинг фақатгина Тошкент шаҳрида фаолият юритиши, беморлар қабул қилиш сонининг чеклангани ва бошқа омиллар йиллар давомида одамларга қийинчилик туғдириб келган. Айниқса, узок вилоятлардаги аҳолининг сарсон бўлиши, ўз вақтида малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини чекланишига сабаб бўлмоқда.

Бевосита Президентимизнинг топишириғига кўра, ҳозирда қатор ихтисослашган марказларнинг вилоятлардаги филиаллари ташкил этилмоқда. Хусусан, бизнинг марказ филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, марказимиздаги етакчи тиббиёт ходимлари бевосита жойларга чиқиб, туман тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, ўша жойнинг ўзида жарроҳлик амалиётларини бажараётган беморларни қабул қилмоқда.

Бу биринчидан, фуқароларнинг узок йўл босиб сарсон бўлишининг олдини олса, иккинчидан ўша тиббиёт муассасасидаги шифокорларнинг тажрибаси, малакасини ошириш имконини беради.

Президентимизнинг мазкур топишириғини амалга ошириш учун амалий чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Жумладан, республикамизнинг қатор вилоятларида кардиохирургия йўналишида қўшимча бўлимлар очилиш назарда тутилмоқда. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази таркибида инсон органларининг кўчириш бўлими фаолиятини ташкил этиш, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг кўптармоқли тиббиёт марказлари таркибида рентгеноэндоскопия ва юрак уришининг бузилишини даволаш бўлимларини очилиш, Андижон ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари клиникалари ҳамда Бухоро ва Фарғона вилоятлари кўптармоқли тиббиёт марказлари таркибида кардиохирургия хизматини ташкил қилиш, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари болалар кўптармоқли тиббиёт марказлари таркибида Болалар кардиохирургия бўлимини очилиш бораида иш олиб борилмоқда.


Марказимиз республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Биргина жарроҳлик йўналиши бўйича жорий йилда 327 сайёр хизмат сафарлари ўтказиш режалаштирилган.

— Тиббиёт кун сайин ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Шу маънода марказ фаолиятида қандай янгиликлар жорий этилмоқда?

— Марказимизда 1100 нафардан ортиқроқ ходим фаолият кўрсатмоқда. Энг замонавий диагностика ва даволаш усуллари билан жиҳозланган марказда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқда. Замонавий таххис усулларини жорий этиш бўйича диққатга сазовор амалиётлар ўтказилмоқда. Бундан 20-25 йил аввал 1,5 килограмм вазн билан туғилган чақалоқнинг яшаб кетишига ишонч йўқ эди, ҳозир эса бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдаклар ҳам буткул соғломлаштирилади. Болаларда учрайдиган юрак нуқсонларининг тури жуда кўп. Жарроҳлик амалиётларини талаб қиладиган барча юрак нуқсонини шартли равишда 100 фоиз деб олсак, шулардан 70 фоизи мамлакатимизда бажарилади. Қолган 30 фоизи ўта оғир юрак нуқсони ҳисобланиб, бундай беморлар учун хоржидан мутахассислар жалб қилинади ёки улар чет элга юборилади.

Масалан, чақалоқ туғилганининг биринчи кунлариданоқ қилиниши лозим бўлган операциялар, муолажаси кечиктириб юборилган ўта оғир юрак нуқсонлари ҳозирча хоржидан бажарилапти. Жорий йилда оғир юрак нуқсони бор уч бола Францияга жарроҳлик амалиёти учун юборилди. Уларга икки кардиожарроҳ ҳамроҳлик қилди. Мутахассисларимиз операция жараёнида бевосита қатнашиб, ушбу технологияни ўзлаштириши ва ўз фаолиятида татбиқ қилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, охириги 3 йил мобайнида, Марказда 80 дан ортиқ янги турдаги жарроҳлик амалиётлари жорий этилди. Улардан, 10 дан ортигини лапароскопик амалиётлар, 6 турини ўпка, нафас



олиш, бронх, 29 тадан зиёд амалиёт турларини оғир юрак нуқсонлари хасталиги ташкил этади. Давлат интеллектуал мулк агентлиги томонидан 9 турдаги янги кашф этилган ихтиро учун патент олинди.

Мамлакатимизда юрак ишемия касаллигини операция қилишнинг клиник амалиёти жорий қилиниши натижасида 2500 тадан ортиқ юрак клапанларини алмаштирилиши, жарроҳликни такомиллаштириш, ушбу тизимга юқори технологияларни жалб этиш, операция муолажалар олиб бориш бораида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Инфаркт миокардини стентлаш йўналиши бўйича 3720 бемор даволаниб чиқди.

— Кўпчиликни марказда кўрсатилаётган тиббий хизматлар нарх-навоси қизиқтиради. Бу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.

Энг замонавий диагностика ва даволаш усуллари билан жиҳозланган марказда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқда.

— Бу масала кўплаб тиббиёт муассасалари учун энг муҳим ва долзарб муаммо саналади. Масалан, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, тиббий хизматларнинг қимматлиги ҳамда ҳудудларда муассасалар филиалларининг йўқлиги боис бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ яна бир меъёрий ҳужжат — «Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати» тасдиқланган. Ушбу рўйхатга мувофиқ, болалиқдан ногиронлар, чин етимлар, 1 ва 2-гuruh ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, ёшга оид пенсияга чиққан, ишламай-диган шахслар, Чернобыль АЭСи фалокатини туғатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар имтиёзли даволаниш имкониятига эга.

Ўзбекистонда 17 миллион сўм, Европада бу тоифадаги амалиёт 50 минг АҚШ доллари ва Америкада 120 минг доллардан ошади...

— Марказ қайси хоржидий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик қилади? Бу қандай натижалар бермоқда?

— Марказимизда АҚШ, Италия, Малайзия, Россия, Франция, Корея Республикаси, Япония, Хиндистон ва Хитой каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Айтиш мумкинки, бу ҳамкорлик ўз самарасини бериб келмоқда. Мисол учун, «Сен ёлғиз эмасан» фонди ҳамда Франциянинг «Умид ришталари» шифокорлар уюшмаси томонидан жорий йилнинг 10-17 январь кунлари ўтказилган хайрия талбири доирасида юрак нуқсонлари билан туғилган 12 нафар бола операция қилиниб, 45 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилди. Операцияларни франциялик мутахассислар ўзбекистонлик шифокорлар билан биргаликда амалга оширди.

Ҳар бири ўта жиддий ва мураккаб бўлган мазкур операцияларда профессор кардиожарроҳ Олийёё Барон, перфузиолог Луи Мериан, болалар анестезиолог Ариан Девин ва реанимацион ҳамшира Элеонор Легенеклар иштирок этишди.

Ушбу операциялар ичида техник жиҳатдан ўта мураккаб саналган тўртта операция Ўзбекистонда ilk мартаба амалга оширилди. Улар бир неча соат очик юракда давом этиб, юрак жарроҳлигида ишлатиладиган чет элдан олиб келинган махсус протезлар ва синтетик материаллар ёрдамида олиб борилди. Шунингдек, юракнинг катта магистрал қон томирларида ҳам операциялар бажарилиди.

Ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, қуйидаги фактларга ҳам эътибор қаратишни истардим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига қилган давлат ташрифи якунлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ва Россиянинг урта йирик маркази — А.Вишневский номидаги жарроҳлик институти, Н.Пирогов номидаги Миллий тиббий-хирургик марказ ва А.Бакулев номидаги юрак-томир хирургияси илмий маркази билан яқиндан ҳамкорлик келишувлари имзоланиб, аллақачон амалий ишлар бошланиб кетди.

Халқимизнинг хабари бор, албатта, яқинда россиялик машҳур жарроҳлар юртимизга келишиди, Хоразм вилоятида бўлиши, мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказишиди.

Келгусида бундай ҳамкорлик янада кучаяди, халқимиз саломатлиги янада ишончли ҳимоя этилади, деб ўйлайман.

Фахридин ПАРПИЕВ
суҳбатлашди.

Танлов

ЭНГ НАМУНАЛИ ТАШКИЛОТ АНИҚЛАНДИ

Нукусда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг тармоқлар бўйича ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари аъзоларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, долзарб вазифаларни ҳал этишдаги муҳим ўрнини белгилашга йўналтирилган танловда 36 бошлангич ташкилот иштирок этди.

Агросаноат мажмуи, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари касаба уюшмалари бошлангич ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар эътироф этилди. Ишчиларга хавфсиз меҳнат шaroити яратиш, уларнинг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича корхона-ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Энг намунали бошлангич ташкилот» сифатида эътироф этилган орасида Қорақалпоғистон мелиоратив экспедицияси касаба уюшмаси ташкилоти ҳам бор. Корхона ходимлари ерости суви сатҳини назорат қилиш, унинг минераллашуви мониторингини олиб бориш, экин майдонларининг тупроқ таркиби шўрланишини аниқлаш, коллектор-дренажлар орқали зах сувнинг чиқиб кетишини таъминлаш билан шуғулланади.

— 404 ишчи-хизматчининг 57 нафари хотин-қизлардир, — дейди Қорақалпоғистон мелиоратив экспедицияси касаба уюшмаси бошлангич ташкилоти раҳбари Файзулла Ережепов. — Жамоа шартномасига кўра, меҳнат жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тартибга солиш, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш шaroитини янада яхшилашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жамоа шартномасига киритилган мажбуриятлар ижроси учун ҳар бир ишчида сарфланган харажат ўтган йили 974 минг 771 сўмни ташкил этди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ишлаб чиқилган иш режасига мувофиқ, 2 нафар хотин-қизнинг иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмаслиги учун 786 минг 800 сўм сарфланди, пенсия ёшидаги ва юбилей саналарига доир 6 ишчи-га 1,8 миллион сўм, кам таъминланган ва оилавий шaroити туғайли 15 ходимга 1,8 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда «Энг чиройли кўргазма ташкил этган бошлангич ташкилот», «Энг яхши тақдирот қилган бошлангич ташкилот» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

А.Ортиқбоев,
Ўза мухбири.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси-га 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3071-сонли қарорига асосан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига айлантирилди.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бош-лоб, бир ой ичида қабул қилинади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZI KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
nuxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00:45
Topshirilgan vaqti — 02:00
Sotuvda kelishilgan narkdo

Navbatchi:
Abdusolim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433
7 720 30 743 30 0 6
1 2 3 5 6